



НОКИМИ

ҲОКИМИ

141100, Самарқанд вилояти Нуробод тумани Нуробод шахри, Mustaqillik ko'chasi 2-uy, Tel: /8-366/ 633-16-34, Fax: /8-366/ 231-98-81, E-mail: nurobod@samarkand.uz

ҚАРОР

2014 йил «15» феврал

№ 106-қ

ер участкаси ажратиш ва
қурилишга рухсат бериш
тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 20-моддаси, «Ер кодекси»нинг 6,26-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2011 йил 26 майдаги №146-сонли «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарорларини ижросини таъминлаш мақсадида Нуробод шаҳрининг бош режасининг муаллифи «Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ» ДУК билан 2014 йил 10 январдаги №1-10/43 сонли келишув хати ва баённомасини, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2013 йил 20 ноябрдаги №1100 сонли давлат экологик экспертизаси хулосасини, Нуробод тумани Тим ҚФЙ Сепки қишлоғида яшовчи фуқаро Ибрагимов Раҳим томонидан Нуробод шаҳри Амир Темур маҳалласи Ўзбекистон кўчаси атрофидаги туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 0,10 гектар ер майдонига қурилиш материаллари савдо маркази мажмуаси ва омборхона биноларини қуришга рухсат бериб, ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризаси ҳамда туман ҳокимининг 2011 йил 18 августдаги №81-Ф сонли фармоишига асосан тузилган ер участкасини танлаш бўйича ишчи комиссиясининг 2014 йил 5 февралдаги далолатномаси ва тўпланган ер майдонини танлаш ва ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Нуробод тумани Тим ҚФЙ Сепки қишлоғида яшовчи фуқаро Ибрагимов Раҳим томонидан Нуробод шаҳри Амир Темур маҳалласи Ўзбекистон кўчаси атрофидаги туман ҳокимлиги захирасида бўлган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 0,10 гектарга қурилиш материаллари савдо маркази мажмуаси ва омборхона биноларини қуришга рухсат берилиб, ер майдони ажратилсин.

2. Фуқаро Ибрагимов Раҳимга қуйидаги вазифалар юклатилсин:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли қароридан кўрсатилган муддат ва талаби асосида АРТ (архитектура режалаштириш топшириғи) ҳамда лойиха ҳужжатларини тайёрлаш.

- вилоят Давлат архитектура ва қурилиш назорат инспекциясидан қурилишни амалга оширишга рухсат олиб, қурилиш ишларини бир йил муддат ичида тугатиш:
- қурилган бино атрофида экологик ҳолатни сақлаш ҳамда ободончилик ишларини олиб бориш:
- тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилишни амалга ошириш:
- қурилиш ишлари тугаши билан бинони фойдаланишга рухсат бериш учун туман ҳокимлигига мурожаат қилиш:

3.Туман бош архитектору (А.Рахимов)га фуқаро Ибрагимов Рахим томонидан тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилиш ишларини амалга оширилишини назорат қилиш топширилсин.

4.Ер участкасини натўрага кўчириш ишларини “Ўз ГАНКЛИТИ” ДУК нинг бошқарувидаги ваколатхонаси билан биргаликда амалга ошириш туман архитектура ва қурилиш бўлими (А.Рахимов) ва туман “Ер ресурслари ва давлат кадастри” бўлими (Қуйлиев) лар зиммасига юклатилсин.

5.Фуқаро Ибрагимов Рахим томонидан бир йил муддат ичида тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилиш ишлари амалга оширилмаса, ушбу қарор ўз кучини йўқотди деб ҳисоблансин.

6.Мазкур қарорнинг тасдиғи вилоят ҳокимидан сўралсин.

7.Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими
вазифасини бажарувчи:



З. Ниёзов